# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 5 сентябрь, № 175 (5849) Пайшанба


## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Сирдарё туманидаги “Baxteks-farм” масъулияти чекланган жамияти ISO 9001:2008 халқаро сифат сертификатига эга бўлди.*

### Корхонага халқаро сертификат

Жорий йилда фаолият бошлаган мазкур жамоа маҳсулотларининг қисқа фурсатда бундай эътирофга сазовор бўлишининг боиси нимада? Чунки корхонада юқори технологиялар самарали қўлланилаётгани бунда муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган пахта, момиқ, бинт сингари ўнлаб турдаги тиббиёт воситалари хорижлик харидорларга ҳам етказиб берилмоқда.

Йилнинг ўтган даврида корхона жамоаси томонидан 1 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди. “Baxteks-farм”нинг иккинчи босқичи ишга тушгач, экспорт ҳажми янада ошиб, 500 та қўшимча иш ўрни яратилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Данғара туманидаги “Мусаввар Текс” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида бундан атиги икки йил аввал 24 нафар киши меҳнат қиларди. Бугун эса жамоа аъзолари сони 100 нафардан ортиб кетди.*

### Имконият ва самара

— Корхонамизнинг жадал ривожланишида хорижлик инвесторларга берилаётган қўшимча имтиёзлар қўл келмоқда, — дейди қўшма корхона директори Рихситилла Юсупов. — Бу эса, биринчи навбатда, айланма маблағни кўпайтириш имкониятларини янада кенгайтирди. Энг муҳими, шу йилдан бошлаб маҳсулотимизни экспортга ҳам чиқардик.

Хусусан, корхонанинг тўқимачилик маҳсулотлари Европа давлатларига жўнатилаяпти. Шу йилнинг дастлабки ярим йиллигида жамоа томонидан хорижлик буюртмачиларга 600 минг долларлик маҳсулот етказиб берилди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Андижондаги “Uz-Dong JU Paint Co” қўшма корхонаси жамоаси, мана бир неча йилдирки, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида автомобилсозларни импорт ўрнини босувчи ранг-баранг бўёқлар, қурилишбоп лок маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпти.*

### Маҳаллийлаштириш дастури доирасида

Эндиликда корхона қошида автомобиллар учун резинадан эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган янги цех ҳам ишга туширилди. Пировардида бу ерда ўнлаб қўшимча иш ўринлари яратилди.

Эътироф этиш керакки, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида  ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 338 та шундай лойиҳа рўёбга чиқарилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Янгибозор туманидаги “Иззатбек-Нодирбек-Жумабой” хусусий корхонасида ҳар ойда 5 минг квадрат метр ҳажмдаги қурилишбоп металл томёпқичлар ишлаб чиқариш қувватига эга технологик линия ишга туширилди.*

### Қурилишбоп маҳсулот

Ушбу лойиҳа рўёби учун 235 минг АҚШ долларилик сармоя йўналтирилди.

— Уйғур қишлоғи ҳудудида фойдаланилмай турган бўш бинони қайта таъмирлаб, замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Иззат Юсупов. — Ҳозир маҳсулотимизга талаб ортиб бораяпти. Шу боис цехимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *“Наманган — Андижон” автомобиль йўлининг Норин дарёсини кесиб ўтган қисмидаги кўприк мукаммал таъмирдан чиқарилиб, йўловчилар учун  катта қулайлик яратилди.*

### Йўловчиларга қулайлик

Бу ерда 969 миллион сўмликдан ортиқ ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, кўприк устидаги йўл бутунлай янгиланиб, унга юқори сифатли асфальт ётқизилди. Замонавий ёритқичлар ҳамда видеокузатиш мосламалари ўрнатилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ахборот-коммуникация технологиялари:**

# ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР, ЗАМОНАВИЙ

*Бугун ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг барча соҳалари, қўйингки, тараққиётнинг замонавий босқичларида ушбу тармоқнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.*

МОДЕРНИЗАЦИЯ





Бинобарин, мамлакатимизда Истиқлолнинг илк йиллариданоқ ахборот-коммуникация технологияларини ҳар томонлама равнақ топтириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий ҳамда моддий-техник базасини изчил такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Ана шу тарихий тамойил асосида илғор АКТ салоҳияти, ютуқлари, инновациялари юртимиз ривожи, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш, одамлар дунёқарашини ўзгартириш, мамлакатимиз нуфузини жаҳонга ёйишга йўналтирилаётганини барчамиз ҳис қилмоқдамиз.

Бу борадаги яратиб берилаётган муносиб шарт-шароитлар, имкониятлар шарофати ўлароқ, тарихан қисқа вақт мобайнида республикамиз ўзининг мустаҳкам ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, жабҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимига эга бўлди.

Айни чоғда Ўзбекистоннинг дунёдаги барқарор юқори ўсиш суръатлари давом этаётган етакчи 10 та давлат қаторидан жой олиши, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мустақиллик йилларида 3,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш кўрсаткичи 2,1, аҳолининг ялпи даромади 12,2 баробар кўпайиши каби тарихий ютуқларда мазкур соҳанинг ўзига хос улуши борлигини қайд этиш лозим.

**Муваффақиятлар омили**

Хўш, дунё миқёсида эътирофга лойиқ бундай муваффақиятларни қўлга киритишда нималар бош омил вазифасини ўтади?

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз томонидан узоқни ўйлаб ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳаётга татбиқ этилдики, шунинг асносида АКТни замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, қайта шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир кенг қамровли дастур яратилди. Жумладан, мулкий муносабатлар эркинлаштирилди, хизматлар бозори кучайтирилди, энг муҳими, тармоқда республикада таркиб топаётган бозор муносабатлари талабларига мос оқилона бошқарув тизими пайдо бўлди. Пировардида жабҳада янги чашмалар кўз очди.

— Бунда халқаро тажрибани ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этди, — дейди Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси жамғармаси директори Равшан Асқаров. — Президентимиз топшириғи билан Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ соҳада етакчи бўлган бир қатор давлатларнинг илғор тажрибаси билан танишилди. Ўрганишлар, изланишлар ва энг асосийси — соҳа ривожига давлат томонидан кўрсатилган улкан кўмак асло бесамар кетмади.

(Давоми 4-бетда).

## Берлиндаги «Очиқ эшиклар куни»да Ўзбекистон тақдимоти

Яқинда Германиянинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлигида “Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтди. Кўргазма стендларидан иборат, чодирлар билан қопланган шаҳарчада бўлиб ўтган ушбу тадбирда Берлинда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари ўз мамлакатларининг иқтисодий тараққиёти, маданий хусусиятлари ва геосиёсий жойлашуви билан боғлиқ маълумотларни тақдим этди.

Кўргазма чодирларига ташриф буюрган меҳмонлар жаҳондаги турли халқларнинг ўзига хос, ажойиб анъаналари билан яқиндан танишишлари баробарида, уларнинг миллий куй-қўшиқ ва рақсларидан баҳра олдилар. Шунингдек, тадбир иштирокчилари ва меҳмонлари дунё халқлари миллий таомларидан татиб кўриш имконига ҳам эга бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг моҳир ҳунармандлари тайёрлаган халқ амалий санъати буюмлари билан безатилган Ўзбекистон бўлмасидан меҳмонлар аримади.

(Давоми 2-бетда).

## Тараққиётимизни жадаллаштираётган инфратузилма

*Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, мамлакат иқтисодиётининг ўсиши бевосита бозор инфратузилмасининг самарали фаолият кўрсатиши билан узвий боғлиқ.*

ИСЛОҲОТ

Молия-банк тизими мазкур инфратузилманинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у тармоқларни маблағлар билан таъминлаш, ташқи иқтисодий алоқаларни молиялаштириш, тўловларни амалга ошириш ҳамда аҳолига турли банк хизматлари кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан Президентимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш учун замонавий банк тизимини яратиш устувор вазифа сифатида илгари сурилди.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида маъмурий-буйруқбозликка асосланиб, режали иқтисодиёт табиатига мослашган банк тизими ўрнига бозор иқтисодиёти хусусияти ва халқаро андозаларга мос икки поғонали: Марказий банк ва тижорат банкларидан иборат банк тизимига асос солинди. 1991 йил 7 сентябрда эса Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тузилиб, республикамиз ҳудудида халқаро ҳисоб-китоблар биринчи марта ана шу банк орқали амалга ошírила бошланди. Пировардида валюта маблағларини жамлаш ва улардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиш имконияти вужудга келди.

Орадан кўп вақт ўтмай, “Ғаллабанк”, “Пахтабанк”, “Тадбиркорбанк”, “Алоқабанк”, “Асака” банки каби бир қатор ихтисослаштирилган тижорат банклари ташкил қилиниши иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарга банк хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашга хизмат қилган бўлса, хорижий капитал иштирокидаги банклар таъсис этилиши мустақил миллий банк тизимида янги босқични бошлаб берди.

(Давоми 2-бетда).

САНА

*Осуда ва фаровон ҳаёт кечириш ҳар биримизнинг дилимиздаги эзгу истакдир. Шукрки, биз осмони мусаффо, истиқболи порлоқ юртнинг фарзандларимиз. Ўзбекистонимиз тараққиёт йўлидан дадил ва жадал одимлаб бормоқда. Халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб, келажакка бўлган ишончи янада мустаҳкамланаётир. Эришаётган бу муваффақиятларимиз халқаро миқёсда ҳам юксак даражада эътироф этилаётгани эса, айниқса, қувонарли.*

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ УЛУҒВОР МАЙДОНИ

### бизнинг фахримиз, ғуруримиз, ифтихоримиздир

Буларнинг бари — Истиқлолнинг улуғ инъоми. Зеро, мустақиллик туфайли ўзлигимизни англадик. Юртимизда ўтган 22 йил давомида барча соҳалар изчил ривожланиб, барқарор тараққиёт босқичига кўтарилди. Биргина спортда қўлга киритаётган марраларимизни олайлик. Уни оммавий ҳаракатга айлантириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар бажарилмоқда. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бундай оқилона сиёсат туфайли йилдан-йилга республикамизда замонавий, халқаро талаблар даражасида жиҳозланган спорт иншоотлари, майдончалари, сузиш ҳавзалари сони тобора ортиб бораётир. Биргина ўтган йилнинг ўзини мисол сифатида келтирадиган бўлсак, қаранг, 108 та болалар спорти объекти қурилди. Бу оддий рақам эмас. Унинг замирида қанча меҳнат, қанча маблағ ётибди. Ҳозирги пайтда бунёд этилган болалар спорти объектларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан шуғулланмоқда. Мана сизга ислоҳотларнинг меваси!

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, азим пойтахтимизнинг кундан-кунга янада яшариб-яшнаб бораётгани, бу ердаги яратувчанлик ишларининг суръати ва кўлами кишини ҳайратга солади.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан**

**73,5** **ёшга узайди.**

Бу бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан, айни чоғда биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислоҳотлар, дунёда “ўзбек модели” деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканлигидан ва у халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганидан далолатдир.



# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ УЛУҒВОР МАЙДОНИ

## бизнинг фахримиз, ғуруримиз, ифтихоримиздир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент шаҳрида олиб борилган бунёдкорликлар ҳақида гап кетганда, аввало, юртимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдони кўз олдимизга келади.

Истиқлол йилларида ушбу маскан улкан ва бетакрор меъморий ансамблга айланди. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан, бундан 22 йил муқаддам — 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилиб, кейинчалик бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, айни чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Мустақиллик майдони — барчамиз учун энг муқаддас қадамжо. Биз, спортчилар нуфузли мусобақалар олдидан, халқаро майдонларда эришган юксак ғалабаларимиздан сўнг шу табаррук масканни зиёрат қилишимиз ўзига хос анъанага айланган. Жумладан, мен ҳам бирор бир нуфузли мусобақага жўнаб кетиш олдидан, албатта, Мустақиллик майдонини зиёрат этаман. Ҳар гал энг муқаддас ва мўътабар масканга қадам қўйганимда кўнглимдан беихтиёр ажиб туйғулар кечади. Бу табаррук гўшанинг гўзаллиги, файзу таровати, бетакрор меъморий ечими мени ўзига мафтун этаверади. Жозибадор фавворалар, йўлкалардаги безакли тошлар, тўрт фаслда ҳам гуркураб турувчи дарахт ва яшил майсалар киши баҳридилини очади. Янги куч бағишлайди.

Дилига эзгу мақсадларни туккан инсонлар кўпки, шу боис Мустақиллик майдонидан зиёратчилар қадами узилмайди. Улар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, нуроний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳлар, турли касбдаги, турли соҳадаги одамларни учратиш мумкин.

Шу йил бошида Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича "Катта дубулға" туркумидаги халқаро турнир бўлиб ўтди. Мазкур мусобақага боришдан аввал Бош майдонимизга келдим. Осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлиги, биз, ёшлар учун барча шарт-шароит яратилганига шукроналар айтдим. Эътиборлиси, қалбимдаги ана шу туйғулар мусобақада муваффақиятли қатнашишимга туртки бўлди. Ушбу спорт анжуманида 81 килограмм вазн тоифасида татамига чиқдим. Финалгача кечган баҳсларда испаниялик Хавьер Франциско Мадера, туркиялик Танжу Сорли, венгриялик Ласло Сокняи ва россиялик Мурод Хабачировни катта устунлик билан мағлубиятга учратдим. Финалда грузиялик Автандил Тчрикишвилини соф ғалаба — "иппон" баҳоси билан енгиб, олтин медалга сазовор бўлдим.

Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш биз учун юксак бахтдир. Бундай обод ва кўркам масканлар биз, ёшларни Истиқлолимизнинг мазмун-моҳиятини теранроқ англашга, ўзимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир, комил фарзандлар бўлиб етишишга ундайверади.

**Яҳё ИМОМОВ,**
**дзюдо бўйича**
**жаҳон кубоги ғолиби,**
**Ўзбекистон Республикасида**
**хизмат кўрсатган спортчи.**

# Фуқаролик жамияти институтлари

## мамлакат ҳаётини янгилашда фаол иштирок этмоқда

*Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)ни ривожлантириш ҳамда уларнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида "учинчи сектор"нинг ҳуқуқий асосини яратиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди. Мухбиримиз Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) директори Дилшодбек Отабоев билан ана шулар хусусида суҳбатлашди.*

### ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

— Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, — дейди Д. Отабоев. — Шу мақсадда фуқаролик жамияти институтларининг қонунчилик базаси ишлаб чиқилиб, тобора такомиллаштирилаётир. Ўтган даврда соҳага оид 200 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам шундан далолат бериб турибди. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг мустақил фаолият юритишини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада муҳим омил бўлди. Айни чоғда "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Президентимизнинг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилиндики, булар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини оширишда дастуриламал бўлмоқда. Муҳими, бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар боис нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятда тутган ўрни салмоқли бўлиб бораётир. Бугун юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан аёллар ва ёшлар, экология, иқтисод, таълим, ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий йўналишларда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Шунга мос равишда бугун ННТ кўплаб соҳаларни қамраб олмоқда. Жамоатчилик орасида спорт ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, фахрийлар, кексалар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фан, таълим, маданиятни юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандчилик ва миллий қадриятларни тиклаш, фуқаролар саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш шулар жумласидандир. Бундай ташкилотларнинг умумий сони эса 6 минг 500 тага яқинлашиб қолди.

*— Ассоциациянинг асосий вазифалари ва шулар бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам гапирсангиз.*

— Бугун ўз таркибида 430 дан зиёд ННТни бирлаштирган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси зиммасига унга аъзо бўлган ташкилотлар манфаатини ҳимоялаш, фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмини ривожлантириш, давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмаси кўринишида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш вазифалари юклатилган. Шундан келиб чиқиб, кейинги бир неча йил ичида умумий қиймати 1,5 миллиард сўмдан зиёд бўлган 50 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Ассоциация томонидан аёллар ва ёшлар, экология, иқтисод, таълим, социал-гуманитар, ҳуқуқ йўналишларидаги ННТнинг давлат дастурлари ва миллий режаларни амалга оширишдаги иштироки ҳам таъминланмоқда.

ЎзННТМА бундай ташкилотларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, турли қарорларни қабул қилиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқишда ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатлари муҳокамасида фаол иштирок этди.

*— Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги иштироки, хусусан, ёшлар тарбиясидаги ўрнини қандай баҳолайсиз?*

— Бугун республикамизнинг 14 та ҳудудида ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ННТ самарали фаолият юритмоқда. Жумладан, Самарқанддаги "Тенгдошим", Наманганддаги "Келажак нури", "Қашқадарёдаги "Юксалиш", Андижондаги "Ҳамроҳ" ташкилотлари бугун кўпчиликка маълум. Хусусан, "Келажак нури" ёшларда фаоллик ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, уларни демократик тамойиллар асосида тарбиялашга йўналтирилган қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Масалан, Наманган вилояти қишлоқларида истиқомат қилаётган ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантиришга қаратилган лойиҳа ўзининг кутилган самарасини берди. Бу лойиҳа доирасида 411 нафар ўғил-қиз бизнес йўналиши бўйича билим олди. Якунда уларнинг 119 нафарига кредит олишлари учун тавсиялар берилди. Шу аснода ташкил этилган "Искандар порлоқ келажак", "Дилдора — Ҳусниддин балиқлари", "Ойбек тезкор файз", "Асал лимонлари", "Барчиной бегим пишириқлари", "Машад ширинликлари", "Меҳнатобод цитрус мевалари" корхоналари бугунги кунда ҳудуд иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ушбу кичик бизнес субъектлари ишга туширилиши ҳисобига 250 га яқин иш ўрни ташкил этилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

*— Маълумки, пойтахтимизда бир қатор маҳаллий ва хорижий ташкилотлар иштирокида "БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироки: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция ўтказилади. Мазкур нуфузли анжуманнинг мақсади ҳамда кутилаётган натижалари хусусида ҳам гапирсангиз.*

— Юртимизда Мингйиллик тараққиёт мақсадларига оид 8 та йўналишда кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, айтиш жоизки, "Юксалиш", "Умид", "Келажак нури", "Истиқболли авлод", "Барҳаёт сайёра", "Қалб нури", "Меҳржон", "Азим тафаккур", "Аёл ва шодлик", "Аёл ва замон", "Истиқболли авлод", "Тараққиёт", "Ойдин нур", "Имконият" каби қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари, айниқса, самарали фаолият юритмоқда. Албатта, халқаро конференция доирасида бундай илғор ННТ фаолияти ўрганилади, таъбир жоиз бўлса, кенг оммалаштирилади. Айни чоғда ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўламиз. Шу маънода, ушбу тадбир юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кенг ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини янада кучайтиришга хизмат қилади, десак, асло муболаға бўлмайди.

Умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Натижада уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштироки ва таъсири тобора ошиб бораётир. Зеро, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилидан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборатдир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.**

## Қашқадарё томонларда

*Қарши шаҳрида "Ягона ойна" маркази ишга туширилди.*

### «Ягона ойна» маркази

Бу ерда иссиқлик манбаи, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, электр, газ, ичимлик сув тармоқлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби бир қатор ташкилот ва корхоналар томонидан аҳолига "Бир дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Айни пайтда хизмат турларини 50 тага етказишни режалаштираяпмиз, — дейди марказ раҳбари Эшонқул Қодиров. — Бу эса ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бугунги даврда юридик ва жисмоний шахслар учун айни муддаодир. Эндиликда туманларда ҳам филиалларимизни ташкил этишни режалаштираяпмиз.

### Молиявий кўмак натижаси

*Муборак туманида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молия муассасалари томонидан 16 миллиард 439 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.*

Хусусан, тумандаги "Лочин оқшоми" масъулияти чекланган жамиятида умумий қиймати 192 миллион сўмлик лойиҳа рўёбга чиқарилиб, темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Илгари, асосан, пишиқ ғишт ва йўлак қопламалари ишлаб чиқарардик, — дейди жамият раиси Жонимқул Фармонов. — Янги тармоққа асос солиниши ҳисобига фаолиятимиз кенгайиб, ўндан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратишга эришдик.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Берлиндаги «Очиқ эшиклар куни»да Ўзбекистон тақдимоти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўргазма пештахталаридан жой олган ранг-баранг ахборот материалларида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик ва сармоявий салоҳияти, жаҳонга машҳур меъморий обидалари ва саёҳат йўналишлари, мустақил тараққиёт йилларида республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ҳуқуқий-демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳамда уларнинг салмоқли натижалари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан **ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги давлат котиби Х. Ю. Беерфельц** ўз мамлакатининг ушбу кўргазмада қатнашаётган давлатлар билан юқори даражадаги ҳамкорлиги хусусида тўхталар экан, "Очиқ эшиклар куни"нинг иштирокчилари ва меҳмонларини мазкур тадбир тақдим этган ўзига хос "дунё бўйлаб саёҳат"га таклиф қилди. Унинг билдиришича, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад Федерал вазирликнинг бутун дунёдаги тараққиётга ҳисса қўшишга доим тайёр эканлигини намоён этиш билан изоҳланади.

**ГФР Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазири Д. Нибель** Германия ҳамда Ўзбекистон ўртасида йирик ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишидаги ўзаро ҳамкорликка юқори баҳо берар экан, мамлакатимиз ва халқимизни давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами билан қизғин қутлади.

**"Internationale Container Transport GmbH" компанияси вакили Б. К. Берникер** Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ўзбек халқи маданияти ва анъаналари ҳақидаги маълумотлар ўзида катта таассурот қолдирганини қайд этди. Шунингдек, у Ўзбекистон билан замонавий технологиялар, муқобил ҳамда қайта тикланадиган энергия манбалари, логистика сингари соҳаларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини айтиб ўтди.

**"ARTO Reisebüro Berlin" сайёҳлик компанияси раҳбари С. Акбарзаде** Ўзбекистонни "бой тарих ва улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган мамлакат", дея таърифлаб, сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган "Silk Road Company" компанияси билан Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон — Германия ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни янада юксалтиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилганини билдирди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон бўйлаб қизиқарли сайёҳлик йўналишларини қамраб олган "Ипак йўли" лойиҳаси устида иш олиб бормоқдамиз, — деди у. — Келгуси йили бир нечта сайёҳлик гуруҳлари учун Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент бўйлаб қизиқарли саёҳатни йўлга қўйишга ҳозирлик кўраяпмиз.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Тараққиётимизни жадаллаштираётган инфратузилма

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ эса, тижорат банклари беш турдаги солиқлардан озод қилингани уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашда қўл келди. Бу, ўз навбатида, юртимизда сифат жиҳатидан бутунлай янги, халқаро стандартларга жавоб берадиган тўлов тизими яратилиши, тўловлар бир неча дақиқаларда амалга оширилишига мустаҳкам пойдевор бўлди.

Ҳозирги кунда республикамизда 29 та тижорат банки фаолият юритмоқда. Улар нафақат давлат, балки акциядорлик-тижорат, хусусий ва чет эл капитали иштирокида ташкил этилгани қувонарли ҳолдир. Бу банкларнинг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жойлашган 9550 дан ортиқ муассасалари орқали эса юридик ва жисмоний шахсларга сифатли хизмат кўрсатилаяпти.

> Бугунги кунда ҳар 100 минг катта ёшли аҳолига
>
> **49,7**
>
> та банк муассасаси тўғри келаётган бўлиб, Ўзбекистон мазкур кўрсаткич бўйича МДҲ мамлакатлари ўртасида етакчи эканлиги Халқаро валюта жамғармаси томонидан алоҳида эътироф этилди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтда банкларимиз қамрови билангина эмас, балки барқарорлиги ва бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам юқори ўринда туради. Негаки, Марказий банк тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича Базель қўмитасининг тавсияларига кўра, халқаро амалиётни қўллашга ўтгани банкларда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва хатарларни юзага келишидан аввал огоҳлантириш чораларини кўриш имкониятини берди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фаолият кўрсатган бирорта банк инқирозга учрамагани бунинг яққол далилидир.

Албатта, банк тизими молиявий ҳолати қанчалик барқарорлиги унинг капиталлашув даражаси билан ўлчанади. Шундан келиб чиқиб, ҳукуматимиз томонидан ҳамиша, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани ўзининг ижобий натижаларини бердики, буни халқаро молия ташкилотлари экспертлари ҳам тан олишмоқда.

Гап шундаки, глобал бўҳрон авж олган 2009 йил давомида мамлакатимиздаги етакчи тижорат банклари — Халқ банки, "Микрокредитбанк", "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", "Асака" банки, "Ўзсаноатқурилишбанк" капиталлашувига 500 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари йўналтирилди. Кўрилган шу каби оқилона чора-тадбирлар туфайли охирги ўн йил мобайнида банкларнинг жами капитали 9 баробардан ортиқ ўсишини таъминлагани, ҳозирги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, халқаро стандартлардан 3 баробар ортгани диққатга сазовордир.

Банкларнинг молиявий барқарор ҳолати, уларга бўлган ишончнинг ошиши, асосийси, аҳоли даромадларининг ўсиб бораётганлиги бўш маблағларни банк омонатларига жалб қилиш ҳажми кўпайишини таъминлаётир. Охирги ўн йил давомида банклардаги депозитлар ҳажми 30 баробар ошганлиги бунинг тасдиғидир. Шубҳасиз, бунда банк омонатларининг тўлиқ кафолатланганлиги, уларнинг биринчи талабдаёқ қайтарилиши, аҳолининг банк омонатларидан олинган даромадлари солиқдан озод қилингани ҳамда омонатга қўйиладиган маблағларнинг келиб чиқиши декларация қилинмаслиги муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон банкларида аҳоли омонатлари ва юридик шахслар депозитлари ҳажмининг ўсиши, ўз навбатида, уларнинг ликвидлилик даражасини барқарор сақлаб қолмоқда. Банк тизимининг мазкур кўрсаткичи охирги йилларда 65 фоиздан юқори бўлиб, талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробардан зиёд эканлиги шундан далолат беради.

Ваҳолонки, кўпчилик хорижий давлатлар банкларида ликвидлилик муаммоси, айниқса, жаҳон молиявий инқирози шароитида ўта долзарб масалага айланди. Улар банклар барқарорлигини сақлаш учун давлат бюджетидан ҳамда марказий банклардан имтиёзли равишда маблағлар ажратишди. Лекин иқтисодиёти ва банк тизимидаги муаммоларнинг ўта чуқур илдиз отиб кетганлиги сабаб бу тадбирлар кутилган натижани бермади. Аксинча, давлат қарзлари кўпайиб, бюджет тақчиллиги ошишига, охир-оқибатда молия тизимига жиддий зарар етишига олиб келди. Бунга Греция, Португалия, Ирландия, Испания ва бошқа давлатларда давом этаётган иқтисодий инқироз жараёнлари мисол бўла олади.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон банклари капиталлашув даражаси, жалб қилинган депозитлари ҳажмининг ўсиб бориши уларни иқтисодиётни ривожлантириш учун кредитлаш ҳажмини кенгайтиришга қулай шароит яратмоқда. Мисол учун, охирги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар ҳажми 9 мартага, ички манбалар ҳисобидан кредитлаш ҳажми эса 15 баробардан зиёдга ошганини айтиш кифоя. Айниқса, сармояларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилгани банкларни ташқи хатарлар таъсиридан муҳофаза қилаётир. Узоққа бормайлик, ўтган йилнинг ўзида корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 5,76 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бундан кўринадики, охирги беш йилда бундай кредитлар ҳажми 4 баробарга ошган. Ушбу кўрсаткичлар банкларнинг инвестиция жараёнларида фаол иштирок этаётганлигини англатади. Бинобарин, тижорат банклари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг ҳаво паркини янгилаш учун "Боинг-767-300ER" самолётини сотиб олиш, Сурғил конида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш, шунингдек, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводини ишга тушириш каби йирик лойиҳаларни молиялаштиришда фаол қатнашмоқдалар.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида республикамизда тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналарни ўз балансларига олиб, уларга инвестиция киритиш орқали ишлаб чиқаришни тиклаш, сўнгра салоҳиятли инвесторларга сотиш амалиётининг йўлга қўйилганлиги халқаро тажрибада кам учрайдиган янгиликдир. Масалан, 168 та ана шундай корхона молия муассасалари тасаруфига ўтказилиб, уларга 388 млрд. сўмлик инвестиция киритилган эди. Сўнгра фаолияти қайта тикланган 120 та корхона янги мулкдорларга 919,3 млрд. сўмга сотилди. Мазкур корхоналар томонидан 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани, шундан қиймати 480 млн. АҚШ долларилик қисми экспорт қилингани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир, албатта.

Бундан ташқари, республикамизда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун "Микрокредитбанк", аҳолининг уй-жой таъминотини яхшилаш ва ушбу жараённи молиявий рағбатлантириш мақсадида "Ипотека-банк", қишлоқлар қиёфаси ва қишлоқ аҳолиси яшаш шароитини яхшилаш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлашга ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш банк" ташкил этилдики, уларнинг барчаси молия бозорида хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиши, аҳолининг банкка бўлган ишончи ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида молиявий номутаносибликлар рўй бераётган мураккаб бир шароитда халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтингини олган республикамиздаги тижорат банкларининг сони 28 тага етгани, "Мудис", "Стандарт энд Пурс" ва "Фитч рейтингс" халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизимига "барқарор" рейтинг баҳосининг берилганлиги ҳам олиб борилаётган монетар сиёсатнинг тўғри танланганлиги ва иқтисодиётимизни ривожлантириш механизмларидан бири бўлиб келган банк тизими мустаҳкамлигини намоён этмоқда.

Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда яратилган замонавий банк тизими иқтисодий ютуқларнинг асоси бўлиб хизмат қилаяпти. Молиявий барқарор, ишончли ҳамкор ва доимий мададкор сифатида мижозлар ишончини қозонган тижорат банклари бундан кейин ҳам иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

**Фозил ДОДИЕВ,**
**Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисод фанлари номзоди.**

# Файзу таровват мезони



*Мингчинорнинг икки номи бор. Ҳамкасбларимиздан бири бу қишлоқ ҳақида ёзган лавҳасига "Кичик Фарғона" деб сарлавҳа қўйгач, маскан ҳақида гап кетганда, ана шу таъриф ҳам тилга олинадиган бўлди.*

*Сурати ва сийрати водий сўлимлигини эслатувчи Боёвут туманидаги "Мингчинор" қишлоқ фуқаролар йиғини бири-бирига туташ икки маҳалладан иборат. Оз эмас, 8 мингга яқин аҳолиси бор. Сарвқомат тераклар, чинорлар, боғу роғлар оғушидаги қишлоқ аҳлининг асосий қисми 16 та фермер хўжалигида меҳнат қилади. Пахта ва ғалладан бўлак, Султонҳовуз жарликлари этагида шоли ҳам экади. Султонҳовузнинг гуручи биллурдек ялтирайди, юқори сифати билан ён-атрофдаги бозорларда жуда харидоргир.*

## 2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Мингчинорликлар томорқасидан йилига камида икки марта ҳосил олмаган кишини ҳақиқий деҳқон сирасига киритишмайди. Кузакда исмалоқ экилган томорқа кўкламда ўрнини картошкага бўшатади. Май ойида маккажўхори, сабзавот ёки полиз экинлари пайдо бўлади. Кечки сабзавот эса ҳосил "конвейер"ининг то ноябрь охиригача ишлашини таъминлайди.

Маматқул Турсунбоев — Мингчинорнинг энг миришкор боғбонларидан бири. У қишлоғи остонасида киройи боғ қилган. Дарвоқе, бу ерда мевали дарахтлар ҳовлилардан ташқари кўча четларида ҳам саф тортган. Шу боис мингчинорлик аёллар турли мураббола, шарбатлар учун меваларни асло бозордан харид қилишмайди.

Яна бир гап. Бу атрофда тераги энг навдор ва кўп ҳудуд ҳам мана шу Мингчинор. Қишлоқ аҳли теракларидан ўзларига кўркам-кўркам иморатлар солиш билан бирга, уни қўшимча даромад манбаига ҳам айлантиришган. Бинобарин, бу ерда яна қорамолчиликнинг гўшт етиштириш йўналишига зўр берилаётгани хонадонларга файз-барака келтирмоқда. Аҳолининг аксарияти 10-15 тадан 50 тагача новвос боқишни қўшимча фаолият турига айлантирган. Хонадон чорвачилиги ташкил этиш учун бундан бир неча йил аввал банкнинг молиявий кўмагини олган Қодирқул Рустамов эндиликда "Нексия"ю катта юк машинасига эга тадбиркорга айланган. У каби чорва билан шуғулланаётганлар учун қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ем тарқатиш шохобчаси ишлаб турибди.

Мингчинорни "Кичик Фарғона" дейишларига яна бир сабаб шуки, бу ерда риштонлик кулоллар устозлигида чинни идишлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Чинни цехи очилгач, 20 нафар киши иш билан таъминланди. Ҳудуддаги 5 гектарлик иссиқхонада 80 нафардан зиёд мингчинорлик меҳнат қилаётир. Шунингдек, яқинда бу ерда ғишт заводи ҳам фаолият бошлади. Тез орада ғишт ва черепица тайёрлайдиган яна бир корхона ишга туширилиши кутилаяпти. Қишлоқ марказидаги "Орзутекс" тикувчилик корхонаси эса йил охирламай ўз маҳсулотларини аҳолига етказишни кўзламоқда. Шунда маҳаллий чеварлардан 100 нафари иш билан таъминланади.

— Хотин-қизларимиз ҳар ишда моҳир, — дейди ёш тадбиркор Дилафрўз Юсуфалиева. — Ўзим касаначилик цехи очганман. Унда қизларимиз қўғирчоқ, аёллар учун турли буюмлар, тўқувчилик маҳсулотлари тайёрлаш билан машғул.

Эътиборлиси шундаки, ҳозир вилоятдаги кўплаб қишлоқлар аҳолиси ҳудуднинг жойлашуви, ер шароити ва албатта, салоҳиятига мос тарзда ўзига хос фаолият турини шакллантириб олган. Масалан, Мирзаобод туманидаги "Деҳқонобод" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчилар сўнгги йилларда анорчиликда қуваликлар ва дашнободликларга етиб олди, десак, муболаға бўлмайди. Йиғиндаги хонадон борки, томорқасида камида 100 туп анор ўстирган. Агар кузакда "Тошкент — Термиз" автойўлининг Мирзаобод тумани ҳудудидаги қисмидан ўтганда, кўзингиз йўл четидаги анор бозорларига тушса, билингки, бу деҳқонободлик соҳибкорлар меҳнати маҳсули.

— Деҳқонободликлар турмуш фаровонлиги юксалиб бораётганини уларнинг мустақиллик йилларида қурган уйларидан ҳам билса бўлади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Содиқжон Муҳамедов. — Яъни бугунги ҳовли-жойлар ўзининг кўркамлиги, замонавийлиги билан аввалгилардан тубдан фарқ қилади. Хонадонларда барча шарт-шароит муҳайё.

Деҳқонободда анордан ташқари резавор ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда анордан саноат асосида маҳсулот тайёрлаш бўйича ҳаракатлар бормоқда. Мазкур лойиҳа амалга ошгач, ҳудудда ўнлаб иш ўринлари яратилиши билан бирга, етиштирилган маҳсулотдан янада кўпроқ даромад олишга ҳам эришилади.

Эътиборли жиҳати, вилоятда бундай файзли-тароватли, обод қишлоқлар сони йил сайин ортиб бораётир. Қишлоқ инфратузилмаси, одамларнинг турмуш тарзи шаҳарникига тенглашмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда. Томорқаларда етиштирилган сархил ноз-неъматлар оила дастурхонини тўлдирибгина қолмай, узоқ-яқиндаги бозорларни ҳам тўкин қилаётир. Пировардида буларнинг бари қишлоқ аҳолисининг обод турмушида, маҳаллалардан кунда-кунора таралаётган тўйлар садоларида ўз аксини топаяпти. Зеро, обод ва озод юртдан тўю тантаналар аримайди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*АҚШнинг "Microsoft" компанияси Финляндиянинг мобиль алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи "Nokia" компаниясини сотиб олади.*

### Инқироз ёқасига келгунча

Бу борадаги келишув шартномасининг қиймати 5 миллиард 440 миллион еврога тенг бўлиб, у келгуси йилда амалга ошади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, шу пайтгача "Microsoft" "Nokia"нинг "Lumia" русумли смартфонларига мўлжалланган операцион тизимни етказиб бериб келаётганди. Аммо бу турдаги аппаратларнинг савдоси яхши юришмади. Шу боис "Nokia" маъмурияти инқирозга юз тутмасдан бурун ўз бизнесини сотиб юборишга қарор қилди.

### Ёздан... қишга

*Перуда кутилмаганда ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетди.*

Кучли қор ёғиши ва совуқ оқибатида бир неча киши ҳаётдан кўз юмгани айтилмоқда. Тоғли ҳудудларда яшовчи саксон минг киши эса қийин шароитда қолган. Уларга иссиқ кийим, тўшаклар ҳамда бошқа зарур нарсаларни етказиб бериш ишларига ҳарбийлар жалб этилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин кунларда мамлакатда ҳарорат - 20 даражагача тушиб кетиши мумкин. Шу боис ўнта музофотда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Сўнгги хабарларга кўра, совуқ ҳаво оқими қўшни Боливияга ҳам кириб борган.

### Экология хавф остида

*Франциянинг Корсика ороли экологиясига денгизга ёйилган нефть хавф солаяпти.*



Гап шундаки, уммон юзасида 43 квадрат километр майдонни эгаллаган "қора олтин" айни кунларда мазкур ҳудуд қирғоғига яқинлашиб келаяпти. Бунинг оқибатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган Скандола қўриқхонаси ҳам жиддий хавф остида қолмоқда.

Ҳозирча экспертлар сувда нефть қандай қилиб пайдо бўлиб қолганини аниқлаганларича йўқ. Эҳтимол, бу ҳол уюштирилган бўлиши ҳам мумкин.

### Японияда зилзила

*Кеча тонгда Японияда Рихтер шкаласи бўйича 6,9 баллга тенг зилзила рўй берди.*

Табиий офат маркази пойтахт Токиодан тахминан 580 километр жанубда, Тинч океани тубида қайд этилган. Унинг таъсири Токио, Хонсю оролининг шарқий қисмлари, шунингдек, Фукусима префектурасида сезилган. Ер силкиниши "Фукусима-1" атом электростанциясига ҳеч қандай зарар етказмагани маълум қилинди. Жабрланганлар йўқ, цунами келиб чиқмаган.

2011 йилнинг 11 мартида ушбу мамлакатда юз берган 9 балли зилзила жуда катта талафотларга сабаб бўлганди.

### Марка ўрнига СМС

*Швейцария почта хизмати ўз фойдаланувчиларига почта ҳақини СМС орқали тўлаш таклифи билан чиқди.*

Эндиликда марка сотиб олиш ва уни конвертга елимлаш ўрнига "Марка" деган сўзни 414 рақамига жўнатишнинг ўзи кифоя қилади. Бир СМС нархи 1,2 Швейцария франкига тенг. Келган жавобда махсус код берилади, уни конвертнинг ўнг тарафига ёзиб қўйиш кифоя. Мазкур кодни 10 кун ичида ишлатиш лозим.

Эслатиб ўтамиз, Швейцария марка ўрнига СМСни таклиф қилган биринчи давлат эмас. Бундан аввал Германия, Дания ва Швецияда ҳам шундай хизмат тури йўлга қўйилганди.

### Энг ёш учувчи

*Хитойлик беш ёшли Хэ Ид кичик самолётда Пекин шаҳри узра 35 дақиқа давомида парвоз қилди.*



Болакайнинг отаси ўғли учишдан олдин махсус тайёрлов курсига қатнаганини айтиб ўтди. Шундай қилиб, у энг ёш учувчи сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Бу Хэнинг биринчи қойилмақом уриниши эмас. Бунгача у яхтани бошқарган, шунингдек, Япониядаги Фудзияма тоғига кўтарилган. Бундан ташқари, Хэ ёш бўлишига қарамай ҳозир тўртинчи синфда ўқимоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК
ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА 2014 ЙИЛГА ЎҚИШ УЧУН КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛАР ИНСТИТУТИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

01.02.04 — Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси.
05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари.
05.22.03 — Темир йўлларининг ҳаракатдаги таркиблари, поездларни тортиш ва электрлаштириш.
05.22.04 — Темир йўл транспортини ишлатиш.
05.23.01 — Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар.
05.23.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари.
05.23.08 — Темир йўллар қурилиши.

***Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.***

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
100167, Тошкент шаҳри, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, ТошТЙМИ, 333-хона, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.
Телефонлар: (8-371) 299-00-26, 299-05-14.**

1499R/851

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 1 мартдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, Шароф Рашидов кўчаси, 71-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 92,56 кв.м. бўлган бино (Фитнес клуб) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 290 317 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

*Лицензия: № 0039.*

1509R/562

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Бухоро вилояти филиали**
***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй-жой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 26 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 24 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТБ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.
Телефон: (8-365) 223-71-30.**

*Лицензия: RR-0001.*

1507R/1453

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6572-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Яссавий Агросервис» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙда жойлашган, умумий ер майдони 6793,75 кв.м., қурилиш майдони 1942,73 кв.м. бўлган гараж биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 94 962 227 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 25 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1506R/1453

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Жиззах вилояти филиали**
***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ғаллаорол тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 июлдаги 13-1308/6548-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғаллаорол тумани, Ғафур Ғулом номидаги маҳалла, С. Раҳимов кўчасида жойлашган, «Шароф-Султонбек» ХКга тегишли маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 251 965 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, савдога Зарбдор тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод ва Кичик ҳалқа йўли кўчаларида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 824 257 753 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 21 январдаги 2-184-09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шукур Бурҳонов кўчасида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли 59-«А» уй.

***Бошланғич баҳоси — 513 969 093 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй.
Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1508R/1453

*Хусусий тадбиркорлар, ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Миллий кинология маркази**

**ўз эҳтиёжи учун техник-топшириқ асосида қуйидаги мебель анжомлари ва ТМБларни харид қилиш ва ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.**

1. Хона учун замонавий мебель анжомлари (шкаф, тумба, ёзув столи, кресло, юмшоқ мебель тўпламы, ўқув макетлари учун витрина шкафи, кутубхона жиҳозлари ва ҳоказо).
2. Ўқув анжомлари (интерактив доска, видеопроектор ва ҳоказо).
3. Деразалар учун горизонтал, вертикал жалюзилар.
4. Электр техника воситалари («колонный» совутқичи (кондиционер), плазмали телевизор ва бошқалар).
5. Компьютер техника воситалари.
6. Ўқув-машқ биноси хоналарини замонавий фотодизайн асосида ўқув стендларини ишлаб чиқиш ва ўрнатиш, зарҳал ҳарфли шиорлар билан безаш, марказ фаолиятини акс эттирувчи журнал ва буклет дизайнини тайёрлаш ва чоп этиш.
7. Ўқув-машқ биносидаги имитация хонасига айланма «эскалатор» макетини ўрнатиш.

**Танлов учун ваколатли қатнашувчилар ўз таклифларини қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин:
Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй.
Маълумот учун телефонлар: (8-371) 257-74-99, 258-63-22.**

**Барча таклифлар Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.**

1479A/803

# Ахборот-коммуникация технологиялари:

# ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР, ЗАМОНАВИЙ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Илғор технологиялар ва инсон манфаатлари

Комплекс чора-тадбирларнинг амалиётга изчил жорий этилиши жамиятни ахборот-коммуникация маҳсулотлари ва хизматлари билан тўла таъминлаш, унинг имкониятларидан ҳар бир хонадон, фуқаро фойдаланишига замин яратишда айни муддао бўлди. Ўз навбатида, соҳани мамлакат иқтисодий тараққиётини белгиловчи бош мезонлардан бирига айлантириш йўлида салмоқли модернизациялаш ишлари рўёбга чиқарилди. Жумладан, республикамиз Халқаро электралоқа иттифоқи, Бутунжаҳон почта иттифоқи каби нуфузли ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Бу эса давлатимизнинг дунё миқёсидаги обрўйини янада оширди. Йўлдош алоқа станцияларини барпо этиш, мобиль радио-телефон алоқасини ташкил қилиш борасида амалга оширилган ишлар соҳа тараққиётини таъминлаш имконини яратди.



Аниқ мақсадлар билан қилинган меҳнат ҳадемай кутилган самараларини кўрсатди. Тест бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари ҳам МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб республикамизда муваффақиятли амалга оширилгани бунга бир мисолдир.

### Изланиш ва янгиланишлар

Ўтган йили ва жорий йилнинг дастлабки олти ойида бажарилган ишлар ҳам юқоридаги ислоҳотларнинг мантиқий давомига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Улар ҳақида сўзлаш эса кишига катта завқ бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида 2012 йилда кўплаб лойиҳалар ҳаётда ўз инъикосини топди. Чунончи, бултур узунлиги 180 километрдан зиёд бўлган “Бойсун — Денов”, “Ургут — Шаҳрисабз” оптик толали алоқа линияси ишга туширилди. Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатиш мосламаларини ўрнатиш орқали рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш амалга оширилди. Бу аҳолини мамлакатимиз бўйича рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 42 фоизга етказиш имконини берди.

Жорий йилда ҳам белгиланган дастурларни бажариш жадал давом эттирилаётир. Қўшимча станцияни ўрнатиш орқали CDMA технологияси бўйича “Ўзбектелеком” АК мобиль алоқа тармоғи билан юртимиз аҳолисини қамраб олиш даражасини 71 фоиздан 84 фоизга етказиш; кенг полосали мультисервис хизматлари кўрсатиш мақсадида кенг полосали уланиш тармоқлари портали сонини 500 мингтадан ошириш; магистраль телекоммуникация тармоқларининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида захираланган алоқа тармоқларининг ўтказиш қобилиятини халқаро йўналишда 10 баробар, вилоятлар ва туманлар йўналишида 5-10 баробар кўпайтириш; замонавий АКТ хизматларидан фойдаланиш учун 100 та коллежни “Электрон таълим” тармоғига улаш ишлари шулар жумласидандир.

Буларга мос равишда икки чоракда соҳадаги корхоналар томонидан 1815,3 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди. Бу миқдор аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 24 фоизга кўпдир. Хусусан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 1168,5 миллиард сўмни ташкил этди ва ўсиш 24,8 фоизга етди. Магистраль, зона ичи ва маҳаллий тармоқларни модернизация қилиш бўйича умумий узунлиги 1028 километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари барпо этилди.

Шунингдек, миллий ахборот тизимини яратиш, почта ва матбуот тарқатиш тизимларида алоқа объектларини автоматлаштирилган тизимларга боғлашни кучайтириш, интернет орқали обуна қабул қилиш тизимини ривожлантириш йўлида ҳам самарали ишлар амалга оширилаяпти. Лойиҳалар эса, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ҳаётга татбиқ этилаётгани диққатга сазовордир.

Айни чоғда аҳолига интернетга уланиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 924, интернет-кафелар 1035 тага етди. Оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун белгиланган тариф йил бошидагига нисбатан 21,56 фоизга камайтирилди. UZ миллий домен тизимида рўйхатдан ўтган сайтлар сони 16,8 мингдан ошганини ҳам шу ўринда келтириб ўтиш мумкин.

Булар баробарида, ўтган даврда кенг полосали телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ўрнатилган портлар сони 459 739 тага етган бўлса, фойдаланилаётган портлар миқдори 133,8 фоизга ошди. Бу эса аҳолига кенг полосали кўп тармоқли телекоммуникация хизматлари (IPTV, видеотелефония, юқори тезликдаги интернет, маълумотлар узатиш, HDTV каналларини кўриш ва ҳоказо)дан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтирди. Юқоридагиларнинг барчаси аҳолига янада кўпроқ қулайлик яратиш, уларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини кенг рўёбга чиқаришга хизмат қилаяпти.

### «Электрон ҳукумат» афзалликлари

Маълумки, интерактив давлат хизматлари ҳам инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтаришдек улуғ мақсадга қаратилгандир. Зеро, шу асосда одамларнинг узоғи яқин, мушкули осон бўлмоқда. Ким ҳам вақти, ортиқча сарф-харажатлари тежалиши, югур-югурлар, асабийлашишлар ўзидан узоқ юришини истамайди дейсиз? “Электрон ҳукумат” тизими таг-заминида ана шундай эзгу амаллар мужассам.

Ҳозирги кунга келиб бундай хизматлар сони кўпайиб бормоқда. Маълумотлар реестридан 197 турдаги хизматлар рўйхатдан ўтгани, давлат органлари томонидан веб-сайтлар орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 617 тага етгани бунинг тасдиғи эмасми? Ҳозир ҳамюртларимиз уйидан чиқмасдан туриб, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали истаган идорага мурожаат этиши, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Ёки “E-kommunal.uz” портали ёрдамида тезкорлик билан уй-жой ва коммунал хўжаликка оид барча масалалар, янгиликлардан тортиб тўловлар бўйича зарур ахборотга эга бўлиш, ҳатто, жабҳадаги у ёки бу муаммо ҳақида маълумот жойлаштириши мумкин. Бу эса камчиликларни қисқа муддатда ҳал этишда қўл келмоқда. Ё бўлмаса қонунлар, давлатимиз раҳбари фармонлари ва қарорлари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот керак бўлса, lex.uz портали ихтиёримизда. Тегишли маслаҳат олиш, электрон кўринишда солиқ ҳисоботи ёки даромадлар ҳақида декларация топшириш, СТИРни тасдиқлашда эса Давлат солиқ қўмитаси сайти (soliq.uz) хизматимизда. Давлат статистика қўмитаси сайти (stat.uz) орқали эса ҳар бир тадбиркорлик субъекти статистик ҳисоботни электрон кўринишда топшириб, фуқаролар янги фирма очишда фирма номларини электрон захиралаш тизимидан фойдаланаяптилар.

Электрон ҳужжат алмашинуви ва ягона ҳимояланган электрон почта хизмати ҳам ривожланиб бораётир. Ушбу тизимга 127 та давлат органи, 194 та туман ва шаҳар ҳокимлиги уланди. Мазкур даврда сертификатланган, рўйхатга олинган ва фойдаланилаётган электрон рақамли имзолар миқдори 291,4 мингтага етди. Қолаверса, “E-XAT” ҳимояланган электрон почта тизимида айирбошланган электрон хатларнинг умумий сони 136 035 тани ташкил этиб, бу ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 2,8 баробар юқоридир.

Бугун йирик корхоналарда ҳам АКТни жорий қилиш стратегиялари ишлаб чиқилган. Мисол учун, биргина Навоий кон-металлургия комбинати томонидан жорий этилган “Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари назорати” ахборот тизими ёрдамида жорий йилнинг биринчи ярмида 92 тонна ёқилғи тежалди. “Ўзбекинвест” компаниясида ташкил этилган “Суғурта қўмитаси” ахборот тизими ёрдамида суғурта бериш жараёни 35 фоизга қисқарди.

Булардан ташқари, “E – Hujjat” электрон ҳужжат айланиши тизимининг такомиллаштирилган таҳрири ишлаб чиқилиб, ягона ҳимояланган электрон почта ва электрон ҳужжат айланиши тизимларига 140 дан ортиқ давлат ташкилотлари уланди.

### Ёшлар бандлиги — устувор мақсад

Табиийки, тармоқ қанчалик тараққий топса, бу қўшимча иш ўринлари яратиш масаласига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, 2012/2013 ўқув йилида ТАТУ ва унинг филиаллари битирувчиларининг ижтимоий бандлигига алоҳида аҳамият қаратилгани, соҳага бириктирилган 74 та касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган қарийб 25 минг ўқувчи билан уч томонлама шартномалар тузилгани ана шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистоннинг информацион-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш бўйича давлат дастурига мувофиқ, бир қатор лойиҳалар, жумладан, давлат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқаларни “ягона ойна” принципи орқали мустаҳкамлаш, “Электрон ҳукумат” ахборот ва маълумотлар тизимини ривожлантириш; давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, муддатини қисқартиришга эришиш, шунингдек, барча давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ягона стандартларини ишлаб чиқиш; FTTx технологиясига асосланган кенг полосали оптик алоқа тармоқларини янада ривожлантириш; ҳудудларда, хусусан, қишлоқ жойларида EV-DO технологиясида ишловчи CDMA-450 русумидаги мобиль алоқа тармоқларини ривожлантириш; Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида қўшимча 2 та рақамли телевидение узаткичини ўрнатиш ва мазкур хизматдан фойдаланувчи аҳоли миқдорини 45 фоизга етказиш галдаги вазифалар сифатида белгиланган.

Буларнинг барчаси жамиятимизда модернизация жараёнларини чуқурлаштириш, халқимиз дунёқараши, тафаккурини замон талаблари асосида ўзгартиришда катта аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, ҳозирги давр шиддатига ҳамқадам бўлиш тараққиётнинг бош кафолати ва шартидир. Бу эса тўхтовсиз ҳаракат, узоқни ўйлаб қабул қилинган стратегик режаларни жадал амалга ошириш билан узвий боғлиқдир. Зеро, давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, “ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга оширишнинг тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур”.

**А. КЎЧИМОВ.**

---

БУНЁДКОРЛИК

## Спортсевар ёшлар қувончи

*Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги айёми Олот туманидаги 7-сон олимпия захиралари спорт мактаб-интернати жамоаси учун янада қувончли келди.*

Бу ерда халқаро стандартлар даражасидаги кўркам спорт зали бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

— Мазкур иншоот қурилиши учун 1 миллиард 300 миллион сўм сарфланди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбари Ўткир Нажмиддинов. — Бундан ташқари, спорт зали умумий нархи 12 миллион сўмлик зарур жиҳозлар билан таъминланди. Эндиликда бу ерда спортнинг ўндан зиёд тури бўйича машғулотлар ўтказиш, мусобақалар уюштириш мумкин.

Эътиборлиси, Мустақиллик байрами кунларида вилоятдаги яна тўртта — Бухоро туманидаги 21, Шофиркондаги 40, Вобкент туманидаги 17, Ғиждувондаги 42-мактаб учун ҳам янги спорт заллари қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қишлоқ аҳлига туҳфа

*Жиззах туманидаги “Зиёкор” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркор Турсунбой Набиев саъй-ҳаракати билан “Бек” тантаналар мажмуаси фаолият бошлади.*

— Қиймати 1 миллиард сўмга тенг бўлган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 400 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаландик, — дейди тадбиркор. — Тўйхонамиз ҳамқишлоқларимиз учун қўшимча қулайлик яратганидан хурсандмиз.

Қишлоқ аҳлига байрам туҳфаси бўлган мазкур мажмуанинг очилишида ҳудуддаги кам даромадли оилаларнинг 13 нафар фарзанди учун хатна тўйи ташкил этилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«MAXLAS» МЧЖ

боғдорчилик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини дорилашда фойдаланиладиган

МОТОРЛИ ПУРКАГИЧНИ

таклиф этади.




Моторли пуркагич бир дақиқада 4 литр суюлтирилган кимёвий ҳамда 6 килограмм кукунли дори воситаларини сепиш қувватига эга.

*Тўлов — исталган шаклда.*

Мурожаат учун телефонлар:
(+99895) 170-17-56,
(+99895) 177-17-56.
Факс: (8-371) 234-62-33.
E-mail: maxlas62@mail.ru

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА.

1207R/724


● Эълонлар ●


ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 199-19-37 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к. | (8-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | (8-373) 552-20-11, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00) (8-373) 552-34-17, 552-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9 | (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (8-367) 227-16-20, 225-49-75 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-17 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-04 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-46 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-12-02 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 601-11-53, 601-12-39 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-86 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-84 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-67 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Жаслик кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси | (8-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (8-376) 227-37-62, (8-595) 501-11-07 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41(соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-12 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-14 |
| **Иккинчи линия техник цехи** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (8-375) 505-05-13, (8-595) 505-05-41 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-436) 224-74-21 (8-595) 603-07-38 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-595) 603-33-19 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-598) 278-74-22 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-595) 603-12-84 |

UZTELECOM

360R/150


Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-сон Марказий поликлиникаси жамоаси психоневролог шифокор

**Лали Дадахановна АБДУРАҲИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5